

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 21-22 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Тошкентда ўтган музокараларда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклики чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 18 та ҳужжат имзоланди. Худудлараро ҳамкорлик, саноат, халқаро автомобиль қатнови, ноқонуний миграцияга қарши курашиш, ўсимликлар карантини ва химояси соҳаларидаги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастури шулар жумласидан.

Ишонамизки, самимий ва дўстона мулоқотлар, Ўзбекистон — Озарбайжон ўртасида имзоланган, ҳамкорликнинг қатор истиқболли йўналишларини қамраб олган ҳужжатлар стратегик ҳамда амалий шериклики янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташрифнинг иккинчи кунини олий мартабали меҳмон Хоразм вилоятига келди.

Уни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Икки давлат байроқлари, гуллар билан безатилган Урганч халқаро аэропортида миллий кўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев Хива шаҳрига ташриф буюрди.

Тошкентда бўлиб ўтган музокаралар якунида давлатимиз раҳбари ўзбек ва озарбайжон халқлари муносабатларининг шонли тарихи бугунги кўп қиррали ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, қардош халқларимиз азадан борди-келди қилиб, бир-бирининг маданиятини бойитган. 2500 йилдан зиёд тарихга эга Хива бунда муҳим ўрин тутган.

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг

бу қадимий шаҳарга ташрифи катта аҳамиятга эга.

Ичан қалъа нодир шаҳар-ёдгорлик сифатида диққатга сазавор. Бу ерда 120 дан зиёд меъморий обидалар бор. Шу боис Хива шаҳри 1990 йил 12 декабрда ЮНЕСКО-нинг маданий мерос рўйхатида киритилган.

Давлат раҳбарлари Ота дарвозадан кириб, Кўк минора, Кўҳна арк саройи, Шерғозихон мадрасаси, Жума масжиди, Тош ҳовлини томоша қилди, Алломалар музейи билан танишди.

Хоразмча кўшиқ ва рақслар ижроси меҳмонларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Президентлар Ичан қалъа яқинидаги Нуриллабой саройини ҳам бориб кўрди.

Бу мажмуани 1884 йилда Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз қурдирган. Кейинчалик қўшимча бинолар ҳам барпо этилиб, бешта ҳовлидан ташкил топган. Саройда ҳам шарқона, ҳам европача услубдаги архитектура ажойиб тарзда уйғунлашган. Яна бир эътиборли жиҳати, XX аср бошларида кўпгина сиёсий жараёнлар айнан шу саройда кечган.

Хиванинг давлатчилик ва илмфан ривожига тутган ўрни, қадимий обидалари ва санъати озарбайжонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунига етди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИГА ЯНГИ СУРЪАТ БАХШ ЭТАДИ

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Озарбайжон саммити якунлари халқаро эксперт ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Таҳлилчилар фикрларига кўра Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи нафақат икки мамлакат, балки Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари ўртасида стратегик шериклики чуқурлаштириш учун янги уфқларни очди.

Дунё нигоҳи

Игорь ПАНКРАТЕНКО, Россия Стратегик баҳолаш ва таҳлил маркази эксперти:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклики чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги декларацияни имзолади. Ҳужжат икки мамлакат раҳбарлари ўртасида Тошкентда бўлиб ўтган самарали музокаралар якунлари асосида тузилди.

Озарбайжон раҳбарининг ташрифи арафасида Тошкентда Ўзбекистон — Озарбайжон бизнес форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир давоми-



ри, Кўксарой қароргоҳида икки мамлакат вазирлик ҳамда идоралари раҳбарлари томонидан имзоланган йўғирмага яқин ҳужжатлар ўзаро манфаатли шериклиқнинг ҳақиқий имкониятла-

ри ва бугунги воқелик ўртасидаги номуносивлиқни ижобий ўзгартиради.

Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган декларация ўзаро муносабатларда янги босқични бошлаб беради. Илҳом Алиев мазкур ҳужжат Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларининг келажақдаги ривожланиши учун асосини белгилашга алоҳида эътибор қаратди.

Янги транспорт йўлаклари ва логистика тизимлари, юқори тезликдаги оптик толали кабеллар ҳамда темир йўллар, сайёҳлик ва гуманитар алоқалар, юқори технологик ишланмалар Озарбайжон — Марказий Осиё алоқаларининг келажагини белгилаб беради.

Акпер ГАСАНОВ, «Day.az» ахборот агентлиги сиёсий шарҳловчиси:

— Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бу қадар самимий, илқ ва самарали бўлганида ажабланарли жой йўқ. Давлатимиз раҳбарининг



Тошкентга ташрифи чоғида Ҳайдар Алиев номидаги халқбоннинг очилиши бўлиб ўтгани ғоят рамзий маънога эга. Эътиборлиси, у озарлар кўпроқ яшайдиган Мировод туманида жойлашган. Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлардаги самимийлик, чўқур ҳурматнинг яна бир ифодасидир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фузулий туманида қардош мамлакат Давлат бюджетни ҳисобидан мактаб қуриш бўйича илгари сурган таклифини Озарбайжон Президенти, бутун озарбайжон халқи жуда юксак қадрлайди. Дунёнинг турли минтақаларидаги меъморий обидаларни ўз маблагга ҳисобидан реставрация қилиш тахрибасига эга бизнинг мамлакатимизда ушбу таклифда кўмак беришга бўлган беғараз интилиш намунасини кўришмоқда.



ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИБОРИ ҲАР БИР БОЛАГА. «МЕН КУЧЛИМАН» ДЕГАН ИММУНИТЕТ БЕРДИ

Дунёда ҳар нарсанинг ўз ўлчови, баҳоси бор. Бироқ инсон учун саломатликнинг қадри бебаҳо. Уни ҳеч қайси бойликка қийс этиб бўлмайди. Соғлиққа путур етса, нафақат беморнинг ўзида, балки унинг яқинларида ҳам ҳаловат йўқолади.

Айниқса, кўзимизнинг оқу қораси бўлган азиз фарзандларимизнинг бир оз тоби қочса, дунё қоронғи бўлиб кетади. Агар тақдир синовин билан мурғак жон оғир хасталикка дучор бўлса-чи? Ота-она қалбидаги дарду ҳасратни тасвирлаб бериш қийин.

Инсон қадри улуғланган юрт

Дарҳақиқат, оғир дардни енгиб ўтиш, ҳатто ўзига тўқ оилалар учун ҳам осон кечмайди. Ута мураккаб муолажалар, ноёб жарроҳлик амалиётлари, бунга яна бир бор дилдан амин бўлади.

17 июнь кунини давлатимиз раҳбари ушбу янги марказга ташриф буюрди, бемор болалар ва уларнинг ота-оналари ҳолидан хабар олиб, улар билан дилдан суҳбатлашди.

Президентимиз суҳбат чоғида “Биз

да умумий қиймати 500 миллион доллардан ортиқ кўшма лойиҳалар ва савдо шартномаларини амалга ошириш бўйича қатор битимлар имзоланди.

Бундан ташқари, Кўксарой қароргоҳида икки мамлакат вазирлик ҳамда идоралари раҳбарлари томонидан имзоланган йўғирмага яқин ҳужжатлар ўзаро манфаатли шериклиқнинг ҳақиқий имкониятла-

ва клиник иммунологияси марказига ташриф буюриб, бу масканда шифо топаётган бемор болалар, уларнинг ота-оналари, яқинлари билан дилдан, қўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Болалар гематологияси, онкологияси

нинг 85 ўринли сигими 160 ўринга оширилди. Дори воситаларига ажратиладиган маблаглар 60 баробар ортди. 18 та даволаш протоколи жaxon талаблари асосида қайта ишлаб чиқилди. 26 та юқори технологик ташхис усуллари жорий қилинди. Пировардида даволанг самарадорлиги 30 фоиздан 80 фоизга етказилди.

Бу турдаги касалликлар дунёда йилига 400 минг нафар болада аниқланса, ўз вақтида қўрилган даво муолажалари, малакали тиббий хизмат эвазига 80 фоиздан ортиғи тузалиб кетаётганини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари тасдиқлайди. Шундай экан, мамлакатимизда онкогематологик хасталикларни даволашга давлат миқёсида берилаётган эътибор қанчадан-қанча қалбларни нурафшон этишига шубҳа йўқ.



ЕТАКЧИ ВА ТАШАББУСКОР АЁЛЛАР БИР ПЛАТФОРМАДА БИРЛАШДИ

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида Ўзбекистон етакчи аёллар мулоқоти платформасининг очилиш маросими ўтказилди.

Анжуман

Тадбирда Олий Мажлис Сенати, БМТ Тараққиёт дастурининг Европа ва МДХ минтақавий бюроси, Етакчи аёллар мулоқоти платформаси аъзолари, вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Маросимни Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева кириш сўзи билан очар экан, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини ошириш, етакчилик қўникмаларини ривожлантириш, раҳбар аёллар сафини кенгайтириш ҳамда 2030 йил-

га қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси доирасидаги ислохотлар бўйича эркак ва аёллар хабардорлигини юксалтириш, соҳада жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиб бориш мақсадида самарали меҳнат қилаётган опа-сингилларимиздан таркиб топган Ўзбекистон етакчи аёллар мулоқоти платформаси ташкил этилганлигини таъкидлади.



НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ОЧИҚ ВА ИНКЛЮЗИВ МУҲИТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталари томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ногиронлиги бўлган шахслар учун очик ва инклюзив муҳит яратиш масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, ЕХҲТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг етакчи экспертлари, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, Қонунчилик

муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов кириш сўзи билан очди.



ПРЕЗИДЕНТ ЭЪТИБОРИ ҲАР БИР БОЛАГА «МЕН КУЧЛИМАН» ДЕГАН ИММУНИТЕТ БЕРДИ



«Қалбимиз ёришиб кетди...»

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази биноси ўта замонавий ҳайтек усулида қад ростлаган. Катта маблаг эвазига бунёд этилган ушбу бетакрор клиникани баъзи ривожланган мамлакатларда ҳам орзу қилишадди, десак, муболага эмас. Аммо халқимиз ва Президентимиз учун ушбу ишшоот ичкарисида оламга умид билан боқиб, ҳаёт учун курашаётган ҳажжи болажонларнинг саломатлиги ҳаммасидан ҳам бебаҳо, ҳаммасидан ҳам устун. Энди бу ерда бемор болалар илм-фаннинг сўнгги ютуқлари ҳисобига юқори технологик даво муолажаларини қабул қила олади. Кўзларда умид учқуни ёнади.

Мамлакатда бир йилда ўртача 300 нафарга бoлада лейкоз касалликлари аниқланишини ҳисобга олсак, мазкур юқори технологик инновацион марказнинг аҳамияти нақадар долзарблиги аён бўлади. Агар қалбан ҳар бир болакай чекаётган дардни, унинг жажжи юраклари дош бераётган сабрни ҳис қилсангиз, ҳар лаҳза, ҳар он улар кутаётган мўъжизани тасаввур этсангиз, давлатимиз раҳбари ташрифи онкогематологияга янги давр калитини берганини тўла англасангиз борми, кўнглингиз тоғдек юксалади.

Айнан Президентнинг эътибори, меҳр ва муҳаббат ҳар бир боланинг кайфиятини кўтарди, жисмида соғлом қон зарраларини кўпайтирди, «мен кучлиман», деган иммунитет берди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Яққол мисол: анчадан бери қўлмаган, ўз орзуларини шу вақтга қадар фақат онасига пичирлаб сўзлаган Самир энди улар ҳақида баралла, ишонч билан айтиптир.

— Ору-ниятларим кўп, — дейди у. — Катта бўлсам, ҳарбий бўламан. Ватанимизни қўриқлаб, халқимизга хизмат қиламан.

Давлат раҳбари билан учрашув шифохонадаги мурғак қалблар учун ҳеч унутилмас лаҳзаларни тўхфа этди. Ҳар кунидан мўъжиза кутиб ашаётган бу инсонлар юрагида эртанги кунга ишонч муштаҳамланди. Бу инсон қадри, ҳаёт, яшаш ва бахт тушунарларининг галабаси эди.

Саидазизнинг онаси фарзандининг кўтаринки кайфиятини қўриб, анчайин хотиржам тортиди.

— Президентимиз ташрифидан жуда хурсанд бўлдик, — дейди у. — Айниқса, ўғлимнинг қувонганини қўриб, кўзларим ёшланди. Тўғриси, шу вақтга қадар кўнглимизда “Энди нима бўлади? Бу жуда қиммат даволашни, имкониятни етаримкан?” деган ҳадик ва хавотир бор эди. Давлатимиз раҳбари билан қўришган, бу қўрқув ва умидсизлик худди тумандек тарқаб, қалбимиз ёришиб кетди.

— «Мехрили мактаб» машғулотларида қатнашиб келаётганим, — дейди Саидазиз. — Кейин реанимацияга тушиб, дарсларга чиқолмай қолдим. Лекин яхши ўқиганим учун «Фаҳрий ёрлик» беришди. Юртбошисиз билан учрашувда Президент мактабда иш оқушимни айтганим, у киши бунга ёрдам беришини айтди. Ниҳоятда хурсанд бўлдим. Албатта, тузалиб кетаман, дея ўзимга-ўзим сўз бердим.

Ҳа, бетоб инсоннинг оғир хаста-

лиқдан халос бўлиб, тезроқ оёққа туриши учун дори-дармон ва тиббий муолажаларнинг ўзи етарли эмас. Аввало, ишонч муҳим!

Аввало, асаблар тамом бўларди

Аслида бундай мулоқот 2021 йил 14 май — Ҳайит байрами кунин Президентимизнинг аввалги Республика итхиссослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига ташрифидан бошланган эди. Бу



шифохонада ҳам катталарга, ҳам болаларга хизмат кўрсатиларди. Давлатимиз раҳбари ўшанда ахволни қўриб, мутасаддиларга марказ учун янги бино қуриш топширигини берди. Ота-оналарга «Қўқманлар, мен сизлар билан биргаман», дея далда бўлди. Дори-дармон, юқори технологик усуналар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Кўп ўтмай, бир неча қарорлар қабул қилинди. Қатор селектор йиғилишлари ўтказилди. Жорий йил 18 мартда тиббиёт ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам айна масала тилга олинди.

Бугун шифохонадаги шароитларни қўриб, ҳайратланасиз. Аввалги бинода беморлар, айнақса, дард билан оғриган болалар учун қўлайликлар ҳаминқадар эди. Ота-оналар эса қаровотлар етишмаганидан студла ўтириб ёки полда ётиб, тонг оттирарди. Дори-дармон билан таъминлаш масаласи энг катта муаммолардан бири эди.

Президент ташрифидан сўнг соҳада жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Аввало, бутун жамоа жаҳон андозаларидаги замонавий бинога қўчириб ўтказилди. Бир хонада аввал 3-4 бемор ётган бўлса, бугун кенглигига қараб бир ёки икки бемор жойлаштирилган. Ҳар бир хонада фарзандларига қаровчи ота-оналар учун ҳам юмшоқ мебеллар ўрнатилган. Истиш, совитиш тизимлари, музлаткич, телевизор ва бошқа жиҳозлар хона шинамчилигига қўрқ бағишлаб турибди. Яна бир факт: аввалги бинода ҳар қаватда биргина ювиниш хонаси бор эди. Шу боис одамлар турунақатор навбатга туришар эди. Шу кундалик эҳтиёж учун бемор фарзанд билан навбат қутишининг қанчалик азоблигини тасаввур қилаверинг. Бундай шароитда дард билан курашаётган жисмгина эмас, аввало, асаблар тамом бўларди. Бугун эса алоҳида-

алоҳида замонавий шароитларга эга ювиниш хоналари мавжудки, бу ердаги инсонлар исталган вақтда улардан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, бемор болаларнинг мактаби ҳам, бочаси ҳам бино ичида жойлашган.

— Ростини айтсам, аввалги марказ билан ҳозирги марказдаги шароитларни таққослаб бўлмайди, — дейди Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази гематологи Диёра Юсуфхужаева. — Шифохона имкониятлари тубдан кенгайди. Дори во-

гематология марказларида 1-курсни тугатмоқда. Бу йил бакалавр босқичини битираётган талабаларнинг 10 нафарини марказга жалб этишини режалаштирганмиз. Ҳамшираларимиз чет элларда малака ошириб қайтмоқда. Улар ўз билимларини фаолияти-мизда амалиётга татбиқ этиб келяпти. Биз марказда вилоятлардаги тиббиёт ходимларининг билим ва малакаларини оширишни кўзлагамиз. Чунки бундай беморлар вилоятлардаги клиникаларда ҳам даволанади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўзгаришлар давом этади

Ҳар бир алоҳида қурилган бинолар таркибида жарроҳлик бўлими, бокс хоналардан ташкил топган реанимация бўлими фаолият қўри-моқда. Улар палаталарининг ҳавоси махсус мосламалар — кондиционер вентиляцияси ёрдамида стерил ҳолатни сақловчи микроклимни яратди.

— Қарийб уч йилдан буён ушбу дард билан олишамиз, — дейди андихонлик Мадина Юсупова. — Фарзандимиз Муҳаммадзизни биринчи бор шифо масканига олиб келганимизда, бизни эски бинода қабул қилишган эди. Шароитлар йўқлигидан жуда қийналардик. Устига-устак, шифохонада дори-дармон етишмаганидан уларни катта маблаг эвазига сотиб олиб келишга мажбур бўлардик. Давлатимиз раҳбари бу ерга ташриф буюрган, шифохона ҳаётида бутунлай янги давр бошланди. Марказга янги бино қўриб берилди. Беморлар дориларни излаб, сарсон-саргардон юрмайдиган бўлишди. Шифохонанинг ўзи таъминлапти, яна текинга! Биз бундай ўзгаришларни ҳеч кутмагандик. Бундай ғамхўрликлар

Халқаро ҳамкорлар нима дейди?

Михаил ДРОКОВ, Москва шаҳридаги Гематология илмий-тадқиқот тиббиёт марказининг ўзақ трансплантологияси бўйича сектор раҳбари:

— Гап Ўзбекистон Республикасида онкогематология ва трансплантология ривожига ҳақида кетар экан, мамлакат раҳбарининг бевосита ташаббуси ва эътиборини алоҳида эътироф этиш лозим. Мазкур йўналишлар Ўзбекистон тиббиёти учун тамомила янги. Бу олдинда ҳали масъулиятли ишлар турганлигидан далолат беради. Биз ҳамкор сифатида биргаликда аниқ «Йўл харитаси»ни белгилаб олдик.

Февзи АЛТУНТАШ, Анқара гематология ва хужайра трансплантологияси маркази директори, Бутунжаҳон афферз ассоциацияси раҳбари:

— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон тиббиётида жуда муҳим ўзгаришлар, катта ислохотлар олиб борилмоқда. Миллий гематология институтини томонидан қон саратони, сунг саратони ва лимфа бези саратони бўйича самарали даволаш имконияти яратилди. Генетик, иммунологик, радиологик текширувлар бора-бора олдинга жуда катта силжиш кўзга ташланмоқда. Катта ижобий натижалар намойён бўлмоқда. Ауто-илдиз хужайра трансплантологияси ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тез орада Тошкент-

бемор болажонларнинг ҳам, биз, ота-оналарнинг ҳам руҳини кўтармоқда.

Марказ ходимлари салоҳиятини юқори малакали кадрлар даражасига кўтариш мақсадида улар етакчи хорижий тиббий таълим муассасалари ва клиникаларида, жумладан, давлат маблаг ҳисобидан жарроҳлик, трансплантология, анестезиология ва реанимация, трансфузиология бўйича қайта тайёрланмоқда ҳамда малакаси оширилмоқда.

Марказ амалиётга жаҳон стандартларида жавоб берадиган юқори технологик диагностика, юқори дозали ва интенсив полихимиотерапия даво усуллари жорий этилиши ва беморлар учун барча зарур шароитларнинг яратилиши, махсус дори воситалари билан таъминланганининг яхшиланиши, таргет терапияларининг қўлланилиши онкогематологик беморларнинг 70 — 85 фоизгача ҳолларда ремиссияга чиқишига ва тўлиқ тузалишига, улар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатининг камайишига олиб келмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли саломатлиги ва ҳаёти сифати ҳамда давомийлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Президентимиз ташрифи чоғида мутасаддиларга марказ фаолиятини янада кенгайтириш бўйича топшириқ ва кўрсатмалар берди. Унга кўра, гемапоэтик ўзақ хужайраларини аллоген ва аутологик трансплантация қилиш учун 2 та асептик бино, худудлардан узоқ мuddатга келадиганлар учун 200 ўринли хостел барпо этилади. Йил якунигача марказга яна 67 турдаги жиҳозлар келтирилади.

Халқаро ҳамкорлар билан даволаш протоколи янгиланади, хориждан мутахассислар жалб этилади.

ЯПОНИЯЛИК ТАДБИРКОРЛАР ЎЗБЕК ИПАК МАҲСУЛОТЛАРИГА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

Шу кунларда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва «Sunshine YUJS Advisers», «Shin-Masuzawakogyu» компаниялари вакилларида иборат делегация Фарғона вилоятида бўлиб турибди.

Учрашув

Фарғона вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда Япония ипак ва ипак илгирини ривожлантириш кооперацияси эксперти Юкио Кобаяши ташрифдан мақсад вилоятдаги ипак маҳсулотлари сифати билан яқиндан танишиш, табиий ипак маҳсулотлари экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқотда ҳамкорликнинг янги босқичи сифатида Фарғона вилоятида ипакчилик

соҳасига итхиссослаштирилган япон — ўзбек илмий-тадқиқот маркази очиш таклифи илгари сурилди.

Ташриф режасига кўра, Кунчикар юрт вакиллари «Фарғона Агропилла», «Фарғона тут ипак курти уруғчилиги» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда «Водий ипак йигирув» шўба корхонаси фаолияти билан яқиндан танишишди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

АҲОЛИ ХОНАДОНЛАРИДА КАВРАК ЕТИШТИРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Деҳқонбод — шифобахш гиёҳларга бой худуд. Тоғ ва адирликларда, сой бўйларида ёввойи ҳолда юзлаб турдаги шифобахш гиёҳлар ва мевалар ўсиб, етилади.

Омилкорлик

Илдизи, барги, пўстлоги, гули, меваси ҳамда шираси табобат учун ноёб хомашё ҳисобланган каврак ўсимлиги эндиликда тумандаги хонадонларда ҳам етиштирилаётир.

Хусусан, Консой кишлогиди 270 та хонадоннинг 100 тасида каврак етиштириш йўлга қўйилган. Томоркаларда йилгига 5 тонна каврак шираси тайёрлиниб, 7,5 миллион сўмдан зиёд даромад олинмоқда.

— 25 сотих томорқамда каврак парваришлайман, — дейди консойлик Юсуф Жўраев. — Гарчи каврак тоғонди худудларда табиий равишда ўсса-да, унинг кўча-

тини томорқамга кўчириб ўтқазиб, яхши ҳосил олапман. Айтиш жоиз, Президентимизнинг 2018 йил 20 мартдаги «Республикада каврак плантацияларини ташкил этиш ва уларнинг хомашёсини қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда экспорт қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Деҳқонбод туманида фаол иш олиб борилмоқда. Яқинда тумандаги хонадонларда каврак етиштиришни кўпайтириш юзасидан ўқув-семинар ҳам ташкил этилди.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятнинг номи: «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик жамияти.
Жойлашган жойи: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 101-уй.
Эл.почта: info@nbu.uz, webmaster@nbu.uz.
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси ва манзили: 2022 йил 11 июль, соат 10.00. Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 101-уй.
Акциядорларнинг реестри шакллантириладиган сана: 2022 йил 7 июль.
Кун тартибига киритилган масалалар:
1. «Ўзмиллийбанк» АЖнинг 2021 йилдаги соф фойдасини тақсимлаш.
2. «Ўзмиллийбанк» АЖ устав капиталини кўпайтириш.
3. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.
4. «Ўзмиллийбанк» АЖ тафтиш комиссиясининг фаолиятини тугатиш.

Хўрматли тadbиркорлар ва ишбилармонлар!

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Қашқадарё вилоятининг Миришкор (5-лот) туманида маиший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, саралаш ва қайта ишлаш хизматларини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш лойиҳаси юзасидан бир босқичли тендер (такороран) бошланганлигини эълон қилади.

Тендерда иштирок этиш учун аризалар, дастлабки малакани баҳолаш ҳужжатлари ҳамда техникавий ва тижорий (молиявий) таклифларни ёпиқ конвертда, муҳрланган, лойиҳа номи кўрсатилган ва Маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер голибни аниқлаш учун тендер комиссиясига деб ёзилган ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига, шунингдек, Давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш агентлигига ариза нуسخаси (иловаларсиз),

2022 йилнинг 25 июль кўни соат 18-00 га (Тошкент вақти билан) қадар тақдим этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ, бир босқичли тендерда битим тузиш ҳуқуқи бўйича голибни аниқлаш учун талабгорларнинг тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ва тасдиқланган лойиҳа концепцияси ҳақида Давлат экология қўмитасининг **eco.gov.uz** ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш агентлигининг **pppda.uz** расмий веб-сайтларидан ёки қуйидаги манзил бўйича кўрсатилган алоқа воситалари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин.

100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёкдор шохқўчаси, 7 “А”-уй.
Телефонлар: 71- 207-07-70 (1072#; 5003#); 93- 501-19-00; 99- 016-17-56.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 30 259 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.55 Топширилди — 00.00

1 2 3 4 5 6